



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 29 - Iyanvar

102 n -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Эшчанов Мардон Эркинбоевичга Боғот тумани “Навбахор” маҳалласи ҳудудига вақтинча енгил конструкцияли “Континер” ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида.

Боғот тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Эшчанов Мардон Эркинбоевичнинг “Навбахор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги “Континер” ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 16 декабрдаги ХО-Э-3522-сонли аризасини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг 2021 йил 11 январдаги 8-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Навбахор” маҳалласида яшовчи фуқаро Эшчанов Мардон Эркинбоевичга “Навбахор” маҳалласи ҳудудига (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли Континерни вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Эшчанов Мардон Эркинбоевични “Навбахор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Эшчанов Мардон Эркинбоевич “Навбахор” маҳалласи ҳудудига вақтинча (6,0x2,8) 16,8 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли “Континер” ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев